QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH QO'MITASI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ EKOLOGIYA HÁM QORSHAǴAN ORTALÍQTÍ QORǴAW KOMITETI

230100 Nókís qalası, Tań nurı №181-úy Tel.: (361) 224-08-77, Faks.: 224-19-51
el pochta: nukus@uznature.uz; rktabiat@exat.uz

2021 jıl "7" oktyabr № 02/18.-15-2150 Nókis qalası

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг 2021 йил 4 октябрдаги 4/1380-сонли хатингизга

Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг Давлатлараро сув хўжалиги координацияси комиссиясининг 2021 йил 30 сентябрдаги 130-сонли хатида Амударё дарёсида жорий йилнинг апрел-август ойларида Оролбуйи ҳудудига сувнинг кам келганлиги кўрсатиб ўтилган.

Жорий йилда ҳам сувнинг кам миқдорда келганлигидан Оролбуйи ҳудудидаги кўллар сувсизликдан қуриб кетишлари кўзатилмоқда. Шунингдек ҳаво хароратининг иссиқ бўлиши ва кўлларга сувнинг кам келиши натижасида кўлларда сақланиб қолинган сув майдонлари ҳам йўқ бўлиб қуриб кетиш ҳавфи жуда юқори эканлигини маълум қиламиз.

Иловада кўллар ҳолати бўйича маълумот тақдим этилади.

Раис биринчи ўринбосари **М.Жоллыбеков**

Ижрочи: М.Нуржанов
61-224-01-48

МАЪЛУМОТНОМА

Мўйноқ тумани **16-17.07.2021 йил**

Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани “Muynoq Akva Sanoat” МЧЖ директори Р.Мамбеткадировнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига йўллаган мурожаати бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тузилган (13.07.2021 06-09/8-07/859-сонли) ичши гурух аъзолари Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш қўмитасининг бўлим бошлиғи М.Нуржанов, Сув хўжалиги вазирлиги мутахассиси А.Жалалов, “Қораколпоқбалиқсаноат” МЧЖ рахбари А.Бекниязов, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бош мутахассиси А.Шымбергенов, “Ўздаверлойиха” институти Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси мутахассиси А.Рамбергенов ҳамда “Muynoq Akva Sanoat” МЧЖ директори Р.Мамбеткадиров иштирокида жойининг ўзида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида, Мўйноқ тумани ҳокимининг 2016 йил 9 сентябрдаги 09/600-сонли қарори билан Мўйноқ тумани ҳудудидан Давлат ер захираси ҳисобидан (19 000 гектар) “Судочъе”, (17 280 гектар) “Жалтирбос” хамда (3 000 гектар) “Рыбачъе” кўллари “Muynoq Akva Sanoat” давлат унитар корхонасига балиқ етиштириш ва овлаш мақсадида дойимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган ва ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 2 декабрдаги 372-сонли қарори билан тасдиқланган.

Шунингдек, “Muynoq Akva Sanoat” МЧЖга “Қорақалпоқбалиқсаноат” МЧЖ балансида бўлган (21 121 гектар) майдонларини ижара ососида фойдаланиб келмоқда.

Мўйноқ туманига 2019, 2020 ва 2021 йилнинг шу кунига қадар (қишлоқ хўжалиги, томорка, чорвачилик, кўлларга ва бошқа) мақсадлар учун жами **182,6 млн м3** сув етказиб бериш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда сувнинг кам бўлганлигидпн **161,4 млн м3** етиб келган. Яъни 21,2 млн м3 сув етиб келмаган.

Сув етказиб бериш:

2019 йилда режа 58,5 млн м3, ҳақиқатда 54,7 млн м3, фарқи 3,8 млн м3.

2020 йилда режа 61,1 млн м3, ҳақиқатда 57,8 млн м3, фарқи 3,3 млн м3.

2021 йилда режа 63 млн м3, ҳақиқатда 48,9 млн м3, фарқи 14,1 млн м3 сув кам етиб келган.

Рыбачи кўлининг умимий майдони 3000 минг гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 1500 гектарида (50%) 27000 минг м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг қариб (1,5%) 45 гектар майдонида сув сақланиб қолинган.

Мўйноқ колтиғи кўлининг умумий майдони 12338 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 3800 гектарида (31%) 57000 минг м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг қариб (2%) 250 гектар майдонида тарқоқ жойлашган холда сув сақланиб қолинган.

Арқа мақпал кўлининг умумий майдони 300 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлда умуман сув йўқ бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг суви ҳақиқатдан ҳам йўқ эканлиги аниқланди.

Чега кўлининг умумий майдони 1660 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 200 гектарида (12%) 800 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг суви умуман йўқ эканлиги аниқланди.

Междуречье куксу кўлининг 4458 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 1900 гектарида (43%) 28 минг 500 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг қариб (12%) 550 гектар майдонида сув сақланиб қолинган.

Қизил кема кўлининг умумий майдони 565 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 50 гектарида (9%) 150 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг қариб (3%)да 17 гектар майдонда сув сақланиб қолинган.

Мақпал кўл кўлининг умумий майдони 3025 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 800 гектарида (26%) 1600 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг суви умуман йўқ эканлиги аниқланди.

Судочье кўлининг умумий майдони 19000 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 8200 гектарида (43%) 164000 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг қариб (3%)да 540 гектар майдонда сув сақланиб қолинган.

Жалтырбас кўлининг умумий майдони 17280 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 8600 гектарида (50%) 154000 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида тахминан ушбу кўлнинг (25%)да 4300 гектар майдонда сув сақланиб қолинган.

Хўжакўл кўлининг умумий майдони 900 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлнинг 100 гектарида (11%) 1000 м3 сув бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг суви умуман йўқ эканлиги аниқланди.

Узин қайир кўлининг умумий майдони 50 гектар бўлиб, 2018 йил ҳолатига мазкур кўлда умуман сув йўқ бўлган бўлса, ўрганиш натижасида ушбу кўлнинг суви ҳақиқатдан ҳам йўқ эканлиги аниқланди.

Ҳаво хароратининг иссиқ бўлиши ва туманга сувнинг кам келиши натижасида ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган кўлларнинг суви сақланиб қолинган майдонлар ҳам йўқ бўлиб қуриб кетиш ҳавфи жуда юқори.

Ушбу маълумотномани тузганлар:

М.Нуржанов _____

А.Жалалов _____

А.Бекниязов _____

А.Шымбергенов _____

А.Рамбергенов _____

Р.Мамбеткадиров _____